


Туркистон Тонги



www.turkistontongi.com | e-mail: gazeta@turkistontongi.com, raximtoy@bk.ru

Ижтимоий-сиёсий, илмий,



Мухбир:-Хурматли. Бурхонбей!
Сизларнинг оилаларингиз бу ерга қайси пайтларда келиб қолган?

Бурхон Қовунчи:- Бизни аж- додларимизнинг бир қисми (от- аларимиз) бундан 90 йилча олдин - 1920 йилларда, иккинчи қисми (Она тараф) эса 1938 йиллардаги қатлиомлар пайти бу ерга кўчиб келишган. Бизнинг ота-боболаримиз ўрислар босмачи, деб атаган миллий озодлик ҳаракатининг намёндалари- дир. Яъни, мужоҳидлардир...

Мухбир:- Бу ҳақда бошқа бир замон батафсил гаплашармиз. Хозир бизни Сиз бошқараётган Туркистонлилар ёрдамлашма дарнагининг фаолияти кўпроқ кизиқтиряпти. Сизни Статистика бўйичагина эмас, тарих, сиё- сатшунослик соҳасида ҳам этук мутахассис сифатида билардик... Аммо шахсан Туркистонлилар ёр- дамлашма дарнагини қуриш фикри ҳам сиздан чиққанми, ёки...

Бурхон Қовунчи:- Мен, айтиб ўтганингиздек, илгаридан статистика ва сиёсий ишлар билан шуғулланиб келганман. Бир пайтлар Алп Арслон Туркаш даврида, Миллятчи Хара- кат партиясининг ёшлар қанотини ҳам бошқардим. У кишининг орзу- си Туркистонлиларнинг бирлашуви ва озодлигини кўриш эди... Турки- стон бирлигини кўрмасда, Турки- стондаги қатор давлатларнинг озод бўлганини кўриб, 1997 йили оламдан кўз юмди... Аммо Туркистон бирли- ги ғояси ҳали ҳам амалга ошганича йўқ...

Мухбир:- Демак, Туркистонли- лар дарнаги халқларимизни бир- лаштириш ғояси бўйича ишлайди, шундайми?

Бурхон Қовунчи:- Албатта, биз Туркистон бирлиги бўйича ҳам иш олиб борамиз. Аммо биз сиёсий таш-

Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва То- жикистондан Туркияга келивчилар сони кўпайди... Уларнинг маълум қисми иш учун, бир хиллари тижорат мақсадида, яна бошқалари сиёсий ва диний тушунчалари учун тазйикка учраб кочиб келишган. Мен шуни ку- затдимки, ватандошлардан бир хил- лари конун-қоидаларни билмаганли- ги, таниш-билишлари бўлмагани учун турли қийинчиликларга дуч келишмоқда ҳатто камалмоқда. Биз- нинг дастлабки мақсадимиз уларга ёрдамчи бўлишдир ва бу қийинчи- кларга дуч келганларга адвокат ва ҳуқуқий дас так берамиз. Яъни ёр- дамлашма маркази, деб бекорга ай- тилмаган...

Мухбир:- Яъни, Сизлар уларга қандай ёрдамлар кўрсатасизлар?

Бурхон Қовунчи:- Ёбонжидар бизга мурожаат қилсалар, бу ерда яшашлари, ишлашлари учун керак бўлган Туркия конунчилигини бироз тушунтирамиз...

Мухбир:- Узр, гапингизни бўлганим учун. Ёбонжилар менимча четдан келганлар, бошқа халқлар, деган маънони билдира- ди. Туркистонлилар бу ерда ёбон- жими?!

Бурхон Қовунчи:- Биз, Туркистон- лиларга янада Инсонпарварроқ му- носабатда бўлиш ҳақида ҳукуматга хат киритиб, уларни туркман, тожик, ўзбек, козоқ ёки қирғизларни ёбон- жи деб қарамастикларини илтимос қилганмиз ва ҳозирда кўпгина ту- манларда буни ҳисобга олишмоқда... Аслида Туркия конунларида ҳам Туркистонлиларга бироз яхши му- носабат бор. Аммо мен ҳар доим расмий мақомдагиларга айтаманки, аслида туркистонлиларга ёбонжи дейиш айбдир.

ТУРКИСТОНЛИЛАР ДАРНАГИ НЕГА ҚУРИЛГАН?

килот эмасмиз ва шу бугунги вазифалари- миз ҳам бошқачароқ.

Мухбир:- Хўш- хўш?

Бурхон Қовунчи:- Биласизми, кейинги ўн йилликда Турки- стон тупроқларидан,

Мухбир:- Туркистонлилар шунақа кўп келишяптими?

Бурхон Қовунчи:- Биз ўз ҳисобимиз бўйича кейинги 10 йил ичида 50 минг одам келиб, ишга ёки ўқишга жойлашишган бўлса ке- рак, деб ўйлагандик. Сонини билиш мақсадида расмий мақомдаги бири- дан сўрасам у 200 000 дан кўпроқ, деди.

Мухбир:- Туркияда Турки- стондан келганлар учун бошқа қулайликлар ҳам борми?

Бурхон Қовунчи:- Исмак деган ташкилот бор. Бу ташкилот Фақат Туркистонлилар учунгина эмас, икомати бўлганларнинг ҳаммаси учун касб-хунар, тил ўрганиш курс- лари очиб қўйибди. У ерда кишиларга ўзи хоҳлаган соҳа ва тил бўйича таъ- лим берилади ва у тегишли ҳужжатга эга бўлади. Биз ҳам дарнагимизда Турк ва Инглиз тилини ўргатиш учун аёлларга алоҳида, эркакларга алоҳида курслар очмоқчимиз...

Мухбир:- Туркистонлилар Сизларга яна қандай илтимослар билан мурожаат қилишади?

Бурхон Қовунчи:- Бизга кўпинча соғлиқ масаласида, дори-дармон ма- саласида мурожаат қилишади... Те- гишли илтимосномалар ёзиб улар- ни касалхоналарга, баъзан таниш дўхтирларга йўллаймиз... Хатто до- рилар топишда кўмаклашамиз...

Мухбир:- Дарнақнинг фаоли- яти ҳақида яна бошқа пайтлар- да ҳам гаплашармиз. Аммо шу яқин кунлардаги режаларингиз қанақа?

Бурхон Қовунчи:- 2014 йил, 27 апрел куни Туркистонлилар дарна- гининг Қурултойини ўтказмоқчимиз. Қурултойга Туркистон Республика- ларидан меҳмонлар чақириш нияти- миз бор...

Мухбир:- Қизиқарли сўхбатингиз, бизга айтган ва газе- тамизда ёйинланадиган хабарлар- ингиз учун раҳмат! Ўйлайманки, бу ахборотлар Туркияга келиш илинжида юрган ватандошлари- миз учун ҳам фойдали бўлади.

Б. Норбой сўхбатлашди.

ҲАСАН ЧОРИЕВ ВАФОТ ЭТДИ...

72 ёшида оламдан ўтган қашқадарёлик ин- сон ҳуқуқлари фаоли Ҳасан Чориев 16 март куни Шаҳрисабздаги Чукмозорота қабристонига дафн этилди.



Ҳасан ота қ а м о қ д а н ч и қ қ а н и д а н и к к и о й ў т и б, 15 мартга ўтар кечаси оламдан ўтди.

У Тошкент вилоят маҳкамасининг қарори билан 5 йилу 2 ой қамоқ жазосига ҳукм этилганди.

Ҳасан Чориев шу йилни январ ойида амни- стия асосида Товоқсойдаги қамоқхонадан мудда- тидан олдин озод этилди.

72 ёшида вафот этган Ҳасан ота муҳолифатда- ги “Бирдамлик” ҳаракати раҳбари Баҳодир Чори- евнинг отасидир.

Чориевнинг яқинлари икки марта юрак хуружини бошдан кечирган отахонни ахволи қамоқдан чиққанидан сўнг ёмонлашганини айти- шади.

- Бир ҳафта олдин мазалари қочиб қолди. 15 мартга ўтар кечаси жон бердилар, - деди Ҳасан отанин яқинларидан бири.

“Бирдамлик” ҳаракати Ҳасан ота Чориевнинг вафоти тасодифий эмас, дея ҳисобламоқда.

“Ҳасан Чориев Каримов қамоқхонасининг ту- зини татиб кўриш оқибатида ҳаётдан кўз юмди”, деб баёнот берди ҳаракат ўз саҳифасида.

Ҳасан Чориев қамалишидан олдин, 2012 йил- нинг октябр ойида Ўзбекистон Жиноят Кодек- сининг 139-моддаси (Тухмат) бўйича айбланиб, маҳкамага тортилганди.

Унинг Қамашни туман ҳоқими устидан Миллий Хавфсизлик Хизматининг маҳаллий бўлимига шикоят билан мурожаат қилгани жиноят иши очилишига сабаб бўлган.

Ҳақам ўшанда Чориевга АҚШда истиқомат қилувчи ўғли Баҳодир Чориевни “тинчлан- тирмас экан”, қамоқ жазоси белгиланиши муқаррарлигини айтган.

Озодлик билан сўхбатда Ҳасан Чориев шун- дай деган эди: “Америкага етгита ўғлим, ол- тита келиним, ўттизга яқин набирам кетган. Ҳозир оила яна кўзғолсин, яна кўтарилсин, деган маънодами, билмайман - биздан қасд оляпти булар”.

Ҳасан Чориевнинг АҚШда яшаётган ўғли, “Бирдамлик” раҳбари Баҳодир Чориев ҳам ўзининг сиёсий фаолияти учун ҳукумат отасини жазолаётганини айтганди.

ozodlik.org.

Ушбу сонда:

Амир Темури жаҳон олимларининг назарида

»- 2- БЕТ

AVAAZ БМТнинг ўрнини БОСА ОЛАДИМИ?

» 3-БЕТ

Ювош зиёлилар нима демоқчи?

» 4-БЕТДА

ҲАЁТ ТАСВИРИ БАДИИЙ АСАРЛАРИМИЗДА

» 6-БЕТДА

Ҳожилик машаққатлари

» 7-БЕТДА

Албатта ўқинг!

Амир Темур жаҳон олимларининг назарида

Республикаларимиз мустақилликка эришгач ўз тарихимизни ҳаққоний қайта тиклаш имкониятига эга бўлганлигимиз учун Тангрига шу-кроналар айтаемиз. Кейинги бир аср, айниқса, шўралар даврида улуг бобларимиз фаолиятини қоралаш овжига чиққан эди хатто бир икки авлодани ана шу но ҳоқ сўз ва тарих билан қуроллантириб қўйилган эди. Кўпчилигимиз окни қора дейишганига ишониб ҳам юрдик.

Бундан 20 йилча муқаддам соҳиб кирон Амир Темурнинг туғилганига 660 йиллиги муносабати билан ўтказилган халқаро каференцияда катнашиб бунга шаҳсан гувоҳ ҳам бўлган эдим. Юқорида айтганимиздек, эндиликда окни оқ қорани қора дейилаётгани фақиқатни юзага чиқаётгани ҳамма одамларни, тарихчиларни хушнуд этган эди.

Амир Темурнинг таваллуди муносабати билан ўтказилган халқаро конференцияга жаҳоннинг 50дан ортиқ мамлакатидан олим фузолалар ташриф буюрган эди. Камина Қозоғистон Республикаси вокили сифатида ўша конференцияга катнашиб “Амир Темур - Сайрам ва Туркистон” деган мавзуда маъруза қилган эдим. Ана шу анжуманда улуг бобомизга берилган ҳаққони баҳоларни ёзиб олган эрдим. Буни азиз ўқувчиларга саҳибқирон кунлари муносабати билан тақдим этаяпман.

Амир Темур яшаб фаолият кўрсатган даврдан бери, айниқса кейинги шўролар даврида унга ҳар хил баҳолар бериш давом этганди. Амир Темурни босқинчи, конхўр дейишгача боришди. “Ҳақиқат букилади, аммо синмайди”, деганларидек айрим олимлар, жумладан, рус академиги В. Бартольд, олим де Клавихо фикрига қўшилиб Амир Темурни буюк бунёдкор ва ижодкор деб тан олган эди. Олим ёзади: “У буюк бинолар барпо этди ва уларни боғу роғлар билан ўради, шаҳар ва кишлоқларни тиклади, сув иншоотларни қурди ва бузулганларини тузатди.”

Ўрта Осиёнинг маънавий ва сиёсий ҳаётида жуда катта рол ўйнаган Амир Темур фақат давлат раҳбаригина эмас, балки мусулмон руҳонийларини, уламоларини, сўфизм шайхларини ва дин фикр олимларини ҳам қилгани, эъзозлагани учун тарихда номи мангу қолади.

“Исломи динини, юртимиз иқтисоди ва маданияти ривожланишига беназир хизмат қилган раҳматлик Амир Темур ҳақида ўз китобимда алоҳида боб ёзганман...” дейди Туркиялик Қахрамон.

“Амир Темур ва унинг меросини ўрганиш, халққа етказиш фақат Ўзбекистоннинггина эмас, жаҳон олимларининг ҳам вазифасидир. Амир Темур ва темурзодаларнинг улкан меросини сақлаш ва ҳақиқатни кўрсатиш ҳаммамизнинг вазифамиздир”. (Клаус Пендер)

Амир Темур кўркмас жангчи, ботир курашчи, машҳур қўмондон ва доно дипломат эди. Уни Искандар Зулқарнайн, Юлий Цезарлар билан тенглаштирадilar. Герман Вамбери айтганидай, соҳибқиронни Чингизхонга ўхшатганлар икки баробар адашадилар.

“... 70 йилларда Ўрта Осиёни бирлаштириб бир бутун давлат ташкил қилиш билан банд бўлган Амир Темур, шу билан бирга, ўз давлатини осойишта яшашига имкон берадиган бир шароит яратиш, яъни атрофида душман давлатлар бўлмаслигига эришиш масаласи устида доимо ўйлар эди”. (Академик А. Якубовский)

“Темур ва темурийлар даврида Мовароуннахр шаҳарлари ўсди, хунармандчилик ва савдо-сотик ривож топди. Осиё ва Европа мамлакатлари билан иқтисодий ва маданий алоқалар кенгайди. Бу даврда илм-фан ва маданият ривожланди... Истеъдодли шоир ва олимлар етишди. Амир Темур Искандар Зулқарнайн, Юлий Цезарь, Хорун ар-Рашид ва Маъмун сингари ўчмас из қолдирган”. (Академик Б. Ахмедов)

Темур Кўрагон ... – агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрки андах ҳўб маҳал ва мавқеъда ўқубдурларким, анинг бир байт ўқиғони минг яхши байт айтқонча бор. (Алишер Навоий)

“Самарқандни Искандар бино қилгондур, Мўғул ва турк улуси Семирқанд дерлар. Темурбек пойтахт қилиб эрди, Темурбекдан бурун Темурбекдек улуг подшоҳ Самарқандни пойтахт қилгон эмастур...” (Захириддин Муҳаммад Бобур)

“Ҳазрат Султон” деган китобни ўқир экансиз, қозоқ олимларининг фақат Хожа Аҳмад Яссавийгагина эмас, балки машҳур Соҳибқирон Амир Темурга ҳам халоллик билан баҳо берганлигининг гувоҳи бўласиз.

“Амир Темур ота-бобомиз шаҳри Туркистонда Хожа Аҳмадга тилла билан безалган, кумуш билан безатилган ажойиб улкан ёдгорлик тиклади. Қадимда Тўлебийлик бир ақлли кишидан Амир Темур ҳақида сўрашганда у: “Биз барча авлодимиз билан Амир Темурга ташаккур айтаемиз ва унинг руҳи олдида қарздормиз. У бизнинг юртимизга, далаларга янгилик олиб келди, яъни Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасини қурди. Бундай ажойиб бино аввал ҳам, кейин ҳам бўлган эмас. Бунгача даламиз жонсиздай эди. Амир Темур шу далаларни уйқудан уйғотди” деб айтган экан. (Сарсенби Давутўғли. “Ҳазрат Султон” китоби)

Амир Темур ҳақида Мухтор Авезов шундай деган: “Амир Темур ҳамма бойликни Самарқандга ташиган. Самарқанд шаҳрини салтанатли саройлар билан, улкан иншоотлар билан беади. Мағлуб давлатлардан қурувчи усталар, нақшловчилар, рас-

сомлар, шифокор сингариларни ҳам шу Самарқандга тўплаган эди”. Айримлар “ёвуз, конхўр” деб юрган Амир Темурнинг улуглигини Мухтор Авезов ҳеч кимдан кўркмай, хадиксирамай одилана айтган. Ха, халқ айтгандай “Зар каддини заргар билади” (С. Давут ўғли “Ҳазрат Султон” китоби).

“Амир Темур давлати иқтисодий гуллаган ва Марказий Осиёдаги халқларни бирлаштирган қудратли давлат бўлган”. (К. Бурханов Қозоғистон)

“Амир Темур сиёсатида иқтисодни тараққиётга эътиборни қузатамиз. У Измирни эгаллагач, денгиз қирғоғидаги бу шаҳар савдо-сотикда етакчи ўринни эгаллаб, бир томондан Ўрта Осиё билан Ўртаер денгизини, иккинчи томондан Хирот билан алоқани уюштирди.” (Исонбика Тўғон. Туркия)

“Темур улкан стратег эди. У ҳарбий техникани мукамал билган, ҳарбий юришларда оқилона фойдаланган. Темур кураш паётида зарурий жойда керак вақтда ҳозир бўла олиш қобилиятига эга эди... Шу нарса аниқки Амир Темур улуг шаҳслардан бири ва номи мангу яшайпти”. (Ричард Кельсон. АҚШ)

“Темурийлар даврида Ўрта Осиё маданиятини ўсиши Қозоғистон халқлари маданияти ўсишига ҳам ижобий таъсир этди”.

(П. Пишулина. Қозоғистон)

“Амир Темур душманларига ҳаддан ташқари золим, лекин саркарда, хоким ва қонунчи сифатида буюк талант эгаси эди. Ёлғонни ёмон кўрар. Билимга ўч эди...” (Г. Вебер)

“Амир Темур...тинкаси қуриган мамлакатни, халқни мустақилликка эриштириб... Мовароуннахрда мустақил марказий бирлашган давлат тузди... Осойишталик ўрнатди. Бу шубҳасиз мамлакатда экономика, маданият, фан, адабиёт ва санъатнинг ўсишида муҳим омил бўлди”. (Академик И. Мўминов)

“Фазилатлари ва қутилмаганда ҳар қандай мантаний хулосани ҳам чиппақка чиқарувчи хатти – ҳаракатлари Амир Темур шахсининг ўта мураккаб ва буюклигини кўрсатади. Темур ўзига тенг келадиганлардан Доро, Искандар, Цезарь, Чингизхон, Бонапартлар каби ўтган замоннинг энг улуг зотлари қаторида туради”. (Жан Поль Рун. француз олими)

“Соҳибқиронни Искандар би-



лан таққослаш мумкин. Бу уларнинг жасурлиги, фотихлик, инсонпарварликлари ва ниҳоят камсукумликларидаги ўхшашликда” (Гаммер)

“Амир Темур ислом тарафдори бўлиб, доно ҳокон эди. Фан ва санъатни, қурилишни ривожлантиришга катта эътибор берган”. (Аббос Саҳоб. Эрон олими)

Бундай мисол ва хабарларни кўплаб келтириш мумкин. Жаҳон олимлари ўтган олти аср мобайнида Амир Темурга бағишлаб Европа тилларида 500 дан кўп, Шарқ тилларида 900га яқин тарихий асарлар яратганлиги Соҳибқироннинг жаҳон тарихида тутган ўрнини намойиш этади.

1966 йил ЮНЕСКО қароргоҳида “Темурийлар даврида фан, маданият ва маорифнинг юксалиши” деган мавзуда симпозиум ва ҳафталик ўтказилиши ҳам Амир Темурнинг жаҳон тарихидаги юксак мавқеини кўрсатди.

Конференция таассуротлари ва кейинги пайтда ўрганилган тарихий ҳужжатлар асосида “Амир Темур ва Жанубий Қозоғистон” деган рисола битиб унинг муҳокамасини Ўзбекистон олимлари ихтиёрига берган эдик. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг бошлиғи, Амир Темур жамғармасининг раиси Муҳаммад Али мазкур китобча қўлёзмаси билан танишиб, унга сўз боши ёзиб беришга ваъда қилган. Бу китобчада Амир Темурнинг Жанубий Қозоғистонда уч марта бўлганлиги, юртимизни мўғиллар зулмидан қутқарганлиги, элимизга бўлган ҳурмат эъзози, Сайрам туманидан Амир Темурнинг шажараси ва байроғи топилганлиги, соҳибқироннинг юртимизда бунёд этган мақбаралари ва бошқа тарихий ҳужжатлар баён этилади. Бу юртдошларимизнинг саҳибқирон бобога ҳурмат ва эъзози бўлади деб ўйлайман.

Мираҳмад Мирхолдор ўғли,

Академик.

Яхшиликнинг кўчаси шунчалик торми...

Ҳасанбой ҒОЙИБ



«Ассалому алайкум, дорнинг оғочи»
«Кунтуғмиш» достонидан
«Бош ўзи не керак эрки йўқ элга?»

Рауф Парфи

Эй, дор, сен туфайли неча мазлумнинг
Озодлик хунда ювилган сочи.
То зolim бор экан, ситам бор экан,
Кайга ҳам борардик биз сендан қочиб:
«Ассалому алайкум, дорнинг оғочи»

Туркнинг бош авлоди Абу Турк Ёфас,
Унга тегишлидир туркларнинг тожи.
Тарих солиб турклар эркига қафас,
Уларни тариқдай ташлади сочиб:
«Ассалому алайкум, дорнинг оғочи»

Кимки эрк истаюр, адолат истар,
Охири сен бўлдинг сўнги меърожи.
Эй, дор, «Кунтуғмиш»да илк бор жаранглаб,
Барча ҳақдилларга бердинг йўл очиб:
«Ассалому алайкум, дорнинг оғочи»

Токим эл, улусда бирлик йўқ экан,
Токим талош экан элнинг хирожжи.
Эркисиз бошимизни этгали қурбон,
Кошинга келтурмиз кўкракни очиб:
«Ассалому алайкум, дорнинг оғочи»

Эртанги болалар

Эртанги болалар ўтқирроқ бўлар,
Пурқувват бўлади бизга нисбатан.
Улар ўз элининг бошини силар,
Эрк билан сийлайди уларни Ватан.
Халқини бошлайди улуг йўлларга,
Туг қилиб ўзига буюк аҳкомни.
Шавкатбек Раҳмонни унутмас сира,
Ва севиб ўқийди Асқар Маҳкамни.
Муқаддас заминнинг бағрида ётган,
Буюк авлиёлар уларни қўллар.
Чунки валийларни зикр қилишни
Абдулло Зухурдан ўрганар улар.

Асқар Маҳкам хотирасига

Ваҳдат водийсини тутди ҳазин куй
Кофарнихон окди сокин, беисён.
Унинг соҳилига қайтди ушбу кун,
Бағри дарё шоир – муборак инсон.
Руҳи ором топди сўнги нафасда
Омонат вужудин берди тупроққа
Қутулди меҳрсиз бу тош қафасдан,
Озодликка чиқди, ковушди Ҳаққа.

Ширкент дарёсига

Ҳисор тоғин кўкрагидан
Сизиб чиққан армон, дарё.
Нурдек тиник, зилол сувинг
Жонгинамга дармон, дарё.
Тўлкинланиб, жўшар юрак,
Шовкинларинг авжларидан.
Шоир бўлиб кетсам керак,
Илҳомланиб мавжларингдан.
Тўлиб – тошиб оқавергин
Эй сен, мовий карвон, дарё.
Ҳисор тоғин кўкрагидан
Сизиб чиққан армон, дарё.
21.02.03.

Баҳор чоғи

Баҳор чоғи борган эдим Каронига
Асир этди чучмомаю лолалари.
Тугдонадан тумор ясаб қўлларига
Тақиб юрар экан тоғнинг болалари.
Эй, тоғлиқлар, донолигу улугворлик
Хислатини сиз тоғлардан олганмисиз?
Тугдонадек бўлсин дея чайир, маҳкам,
Болаларга тумор тақиб қўйганмисиз?!

Бўлмади

Ҳеч кишига Ҳақ йўлин топмоқлик осон бўлмади,
То пири комил унинг дардига дармон бўлмади.
Ошиқлик асрорига ҳеч ким ета олган эмас
То хануз шайтону нафсан жони омон бўлмади.
Нози истиғносию жабру жафоси кўп эрур,
Қадрига етмас, кўйида кимки сарсон бўлмади.
Неча йилки васлининг умидида оввораман,
Ул пари бир лаҳза ҳам хонамга меҳмон бўлмади.
Ғойибо, ким ҳам етибдур маҳлиқонинг васлига
Бу фано даштида токим ишққа қурбон бўлмади.

* * *

Яхшиликнинг кўчаси шунчалик ҳам тормикан?
Бу кўчада ҳозир ҳам бирор одам бормикан?
Нафсинг истак майлига эргашади одамлар
Яхшиликнинг йўлини танлаганлар хормикан?
Менимча яхшиликнинг кўчаси кенг ва ёруғ,
Фақат фарқламоқ керак яхшиликни ёмондан.
Бу кенг, ёруғ кўчага кирмоқ учун аввало,
Бохабар бўлмоқ керак иймондан, иймондан.

Йигит бўлса

Йигит бўлса, шижоатли, мард бўлсин,
Юрагида ўти бўлсин, дард бўлсин.
Дўсту ёвнинг кўзларига тик қараб,
Сўзломаса ранги хазон, зард бўлсин.
Йигит бўлса иймон унга ёр бўлсин,
Ҳақ севгиси қалбида тумор бўлсин.
Эл дуоси билан кўқарар одам,
Эл учун тоғ бўлсин, чинор бўлсин.
Яшар бўлса ҳақ, адолат талашиб,
Йигитлик ҳам кетар унга ярашиб.
Рақиблар ҳам тан бергуси оқибат
Юрар наслу насабини сўрашиб.
Юртим бағринг тўлсин мард ўғлонларга,
Хизматингга бел боғлаган жонларга.
Сенинг она тупроғинг обод айлаб
Довруғингни ёйсин кенг жаҳонларга.

БИРДАМЛИК ХАЛҚ ДЕМКРАТИК ҲАРАКАТИ
ЛИДЕРИ БАҲОДИР ЧОРИЕВГА!

БАҲОДИРБЕК! ОТА-ОНАСИДАН ЖУДО БЎЛМОҚ ҲАММА УЧУН ОҒИР ФОЖИА! АММО,
ИЛОЖ ҚАНЧА, ҲАММАМИЗ ҲАМ ПАДАРИМИЗ ВА ОНАИЗОРИМИЗНИ ОХИРГИ ЙЎЛГА КУЗА-
ТИБ ҚЎЙГАНМИЗ...

СИЗ ПАДАРИ БУЗРУКВОРИНГИЗНИ УЗОҚДАН ТУРИБ БЎЛСАДА, СЎНГИ МАНЗИЛГА КУЗАТ-
ГАНИНГИЗГА БУТУН ОЛАМ ГУВОҲ БЎЛИБ ТУРИБДИ.

БИЗНИ ОХИРГИ ЙЎЛГА КУЗАТИШ ҲАМ БОЛАЛАРИМИЗГА НАСИБ ЭТСИН.

Аммо Шаҳрисабзда бўлган мажороларни эшитиб, ҳукуматдагиларнинг бу қадар палидлашиб кетгани-
дан (МАРҲУМГА МОЗОР ҚАЗДИРМАСЛИК, ТОБУТ БЕРМАСЛИККА ҲАРАКАТ ҚИЛИШЛАРИДАН)
ёқа ушладик!

Бу қадар тубанлашган касларни инсон, деб бўлармикан? Наҳотки, уларни ҳам ўзбек онаси тукқан
бўлса?! Наҳотки улар ҳам ўзларини мусулмон санашса?! Ишониб бўлмайди.

Лекин, ишончларимиздан қатъий назар, воқеълик шу!!! Афсус, дейишдан, “уларнинг бошига ҳам шун-
дай кунлар тушсин”, дея қарғашдан бошқа иложимиз қолмаган. Даҳшат, бу даҳшат!

Бироқ, биз тирик эканмиз, бу хил даҳшатлар қаршисида ожиз эмаслигимизни инсон номини кўтариб
юрган номардларга кўрсатишимиз, тинч, нозўровон курашимизни давом эттираверишимиз лозим.

Сизга - ХАЛҚИМИЗНИНГ ЮКИНИ ЕНГИЛ ҚИЛИШГА БЕЛ БОҒЛАГАН ЎЗБЕКНИНГ МАРД
ЎҒЛОНИГА бу йўлда, сабр, бардош ва қатъият тилаймиз...

Сизнинг қайғунгизга, битта биз эмас, юрагида ўти бор, виждонини йўқотмаган ЮЗЛАБ, БАЛКИ МИН-
ГЛАБ ОДАМЛАР ШЕРИКДИР...

Қозоғистонликлар номидан: **Ботир Норбой, Раҳимтой Бегалиев.**

**ТУРКИСТОН
ТОНГИ**

Ижтимоий-сиёсий, илмий,
адабий-публицистик газета

Бош муҳаррир
**Раҳимтой
Бегалиев**
Муҳаррир
Ўринбосари
Ботир Норбоев

Газетага Қозоғистон
азамати С. Байдуллаев ва
Ўзбек фарзанди Б. Норбоев
асос солган.
**ЖАМОАТЧИЛИК
КЕНГАШИ**
Бахтиёр Исабеков, Малик
Мансур, Ўринбой Усмон,
Фарҳодхон Мухтаров

Таҳририят манзили: Жанубий Қозоғистон вилояти,
Сайрам тумани, Қорабулоқ қишлоғи, Аҳмаров кўчаси - 133,
тел: 8 707 958 57 57, 40-064.

Мулк эгаси: Яқка тадбиркор Бегалиева Гулнар
Қозоғистон Республикасининг Алоқа ва ахборот вазирлиги,
Ахборот ва архив қўмитаси, даврий босма нашрларни ва Ахборот
агентликларини рўйхатга олиш тўғрисидаги 12310 - Г сонли,
2 февраль 2012 йилда берилган гувоҳномага асосан босилмоқда.

Адади: 1000 дона. «М-press» босмахонаси
(Шымкент ш. Байтурсунов-18)да чоп этилди. Буюртма №.
Таралиш ҳудуди: Қозоғистон Республикаси.
Газета бир ойда бир марта нашр этилади.

ОБУНА ИНДЕКСИ: 64502

1. Муаллифларнинг фикри газета таҳририяти аъзолари фикри
билан айнамос бўлмалиги мумкин.

2. Барча муаллифлик ҳуқуқлари Қозоғистон Республикаси
қонунлари билан ҳимояланган.

3. Газетанинг асосий мақсади миллатлараро муносабатларни
мувофиқлаштиришдир. «Туркистон тонги»да миллатлараро
дўстликка раҳна соладиган мақолаларга ўрин берилмайди.

4. Ўқувчиларимизнинг саҳифалардан ножоиз жойларда фой-
даланмаслигига умид қиламиз.

5. Газетадан олинган мақолалар ёки иқтибослар
«Туркистон тонги»дан олинганлиги кўрсатилиши лозим.